

## Хотира майдонига саёхат

2019 йилнинг 29-нояброда Гидромелиорация факультетининг 401-гурух талабалари 2- жуфтлиқда Хотира майдонига саёхат уюштиришди. Ёшларни ўз миллати ва миллати учун ўз жонларини фидо қилган ватандошларимизни қадрлаш туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этилган бундай саёхат талабаларимиз онгига ўчмас хотирага айланади ва ижобий таъсир кўрсатади. Гуруҳ раҳбари Д.Муқумова ташкилотчилиги асосида бу саёхат ёшларни ижтимоийлашуви ҳамда ўзаро уюшганлик ҳусусиятларини шакллантиришини инобатга олган ҳолда ташкил этилди. Миллий қадриятларимизни эслаш ва уларга бўлган ҳурмат эҳтиромни ёшлар онгига гавдалантириш ва ишонч билан хотирлаш мақсадида, ҳар доим ҳам тарбиянинг кўргазма-намуна усусларидан фойдланишимиз даркор.



Барчамиз миллатимиз онги ва сифатларини ёшлар онгига сингдиришимиз орқали таълим-тарбияни олиб боришимиш лозим. Хозирги кунда ёшларни тарбиялашнинг энг мақбул йўли уларга шахсий намуна ва ибрат бўла олишимиздир. Ҳар бир талаба бизлардан меҳр ва мурувват туйғусини олиши лозим. Тарбия маҳсулдорлиги айнан талабаларга бўлган ишонч ва мухаббатимиз билан чамбарчас бўлганда эришамиз.